



Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 11 октябрь куни Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Украина ташқи ишлар вазири Леонид Кожарани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, унинг Ўзбекистонга ташрифи, аввало, икки томонлама муносабатлар, минтақавий ва халқаро муаммоларга оид муҳим масалаларни бевоқифа муҳокама қилиш, шунингдек, ЕХХТнинг Украина раислигидаги фаолияти юзасидан фикр алмашиш имконини беришини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон Украинага иқтисодиёт, sanoat ва интеллектуал соҳаларда катта салоҳиятга эга, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ижтимоий инфраструктурани ривожланган, вақт синовидан ўтган муҳим ҳамкор сифатида қараш қайд этилди.

Мунтазамлик касб этган давлатлараро мулоқот мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Халқаро ва минтақавий сиёсатга доир кўплаб масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Украинанинг позицияси ўхшаш ёки яқинлиги БМТ, МДХ, ЕХХТ каби кўп томонлама тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилишда муҳим

омил бўлаётгани таъкидланди.

2012 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард АҚШ долларида ошди. Бу аввалги йилга нисбатан 60 фоиз кўп демакдир. Жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб вазиятга қарамай, жорий йилда ҳам икки томонлама савдо алоқаларида ижобий ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда. Томонлар ҳамкорлик ҳажмини изчил кенгайтириш ва диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишдан бирдек манфаатдор эканлиги қайд этилди.

Леонид Кожара самимий қабул ҳамда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни очиқ, конструктив руҳда муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик изҳор этди. Украина ташқи ишлар вазири ўз мамлакат раҳбариятининг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва кўп томонлама амалий ҳамкорликни янада мустахкамлашга тайёр эканлигини билдирди.

ЎЗА

ЎзХДП: устувор вазифалар



Сиёсий партиянинг жамиятдаги ўрни

бошланғич ташкилотнинг фаоллиги ва ташаббускорлигига боғлиқ

Мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган демократик жараёнлар сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишдаги масъулиятини тобора оширмоқда. Бугунги кун сиёсий партиядан ўз сайловолди платформасини бажариши учун ташаббускор бўлиш, ҳаётий таклифларни илгари суришда изчил фаолият олиб боришини талаб этмоқда.

2

Мен нега ЎзХДПни танладим?

Уч йилдан бери пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 3-Автобус саройи очиқ акционерлик жамиятида ишлайман.

Корхонамизда ташкил этилган ЎзХДП бошланғич ташкилоти тadbирларида қатнашиб турардим. Партиянинг ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга бераётган ёрдами, уларни қўллаб-қувватлаб

келаётгани менга жуда маъқул келди. Чунки, ёрдамга муҳтож одамга қўмаклашиш, хайрли иш, савоб иш.

Яқинда ЎзХДПнинг «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида ўтказган тadbирда қатнашдим.

Партия фаоллари маҳаллаларда бўлиб, оддий одамларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиб чиқишди, сўнгра уларга ижтимоий қўмак бериш масалалари муҳокама қилинди. Вазифалар бел-

гилаб олинди. Ана шу тadbирлар чоғида олган таассуротларим мени ЎзХДПга аъзо бўлишга ундади. Яқинда бир гуруҳ ёшлар қатори менга ҳам партияга аъзолик гувоҳномаси топширилди.

Мен энди сиёсий партия аъзосиман, масъулиятим икки ҳисса ошди. Ишдан бўш пайтларимда сиёсий-ҳуқуқий билимимни ошириб, партиямиз ғояларини амалга оширишга ўз ҳиссамни қўшим керак. Бундай эзгу мақсад менга катта куч беради.

Шокир ШОДИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Латвияга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифига биноан 2013 йил 16-17 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Латвияда бўлади.

Учрашувлар ва музокара-лар чоғида Латвия раҳбарияти билан Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантириш масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади. Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг

қўшма баёнотини қабул қилиш, сиёсий, савдо-инвестиция, транспорт-коммуникация соҳалари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид икки томонлама ҳамкорликни янада мустахкамлашга қаратилган қатор ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Латвия:

Икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш йўлида

16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи бошланади.

Ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқчилик ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган дўстлик ва ҳамкорлик ришталари кўп йиллардан бери Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикасини боғлаб келади.

Латвия Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 22 октябрда тан олган. Қисқа муддат ўтгач, яъни

1992 йил 3 ноябрь куни мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди — бу билан узоқ муддатли икки томонлама ҳамкорлик ривожланишига замин қўйилди.

Олий даражадаги сиёсий мулоқотлар Ўзбекистон ва Латвия муносабатларида мунтазам тус олган. Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислон Каримовнинг 1995 ва 2004 йиллари Латвияга давлат ташрифлари икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим воқеалар бўлиб қолгани баробарида кўп қиррали Ўзбекистон — Латвия шериклигини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қўмаклашди. Ўз навбатида, Латвия президентлари Гунтис Ульманис ва Валдис Затлерс ҳам 1996 ҳамда 2008 йиллари Ўзбекистонга келган эдилар.

2

Амир Темур ва темурийлар даврида

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ



3

Жаҳон ФОРТЕПЬЯНОСИ қироли



4

Футбол

Ёшларимизнинг ИШОНЧЛИ ғалабалари



4

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Навоий вилояти:

БУНЁДКОРЛИК
ВА ОБОДЛИК
ФАСЛИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

айни пайтда **10149** та бошланғич ташкилотга эга. Жорий йилнинг май-август ойларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида **2500** дан ортиқ **БПТ**га янги етакчилар сайланди. Бу — партиямиз сафи **ёшлар** ҳисобига тобора мустахкамланиб бараётгани, унинг ғояларини қўллаб-қувватловчилар сони ортаётгани, бошланғич ташкилотлар фаоллашиб, электорат манфаатини ҳимоя қилишга **муносиб ҳисса** қўша оладиган **сиёсий куч**га айланаётганини кўрсатади.

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги

ЎзХДП фракцияси аъзолари яқинда қабул қилинган «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти, ҳаётимиздаги аҳамияти, партия электорати манфаатлари билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида ўз фикрларини билдиришмоқда.

Мазкур мулоҳазалар билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишишингиз мумкин.

Жаҳон фортепьяноси қироли

Беҳзод Абдураимовнинг бетакрор оҳанглари
дунёни лол қолдирмоқда

Ўзбекистонлик Беҳзод Абдураимовнинг номи жаҳон мусиқа оламида тобора баландроқ янграмоқда. Фортепьяно қироли ҳақида 2013 йил июнь ойида Франциянинг Liberation нашрида мақола чоп этилди. Бунинг учун журналист Эрик Даан Беҳзоднинг Испанияда бўлиб ўтган концертда қатнашди.

2009 йил Лондонда бўлиб ўтган нуфузли танловда мутлақ ғолиб бўлган ўзбекистонлик пианиночи Беҳзод Абдураимов Испанияда биринчи марта концерт берди.

Беҳзод Москвада концерт берган, тунги рейс билан Тошкентга, ўзи тузилган шахарга учди. У ерда унинг онаси ва ораси яшайди. Беҳзод оила аъзолари билан 2012 йилнинг декабрь ойидан бери қўришмаган эди. Икки кун давомида у яқинлари ва дўстларининг «Копенгагенда концерт қандай ўтди? Лондонда-чи?» деган саволларига жавоб берди. Бувиси эса унга келин қидиришгандани айтди.

Беҳзод Абдураимов яқинлари билан узокроқ бирга бўлишни хоҳласа ҳам, Испанияга, ҳали унинг қуйларини тингламаган диверга бориши керак эди. Ўзбекистонлик пианиночи эндигона 23 ёшга тўлди. У 1990 йил 11 сентябрда Ўзбекистон

пойтахти Тошкент шаҳрида туғилган. 8 ёшидан бошлаб катта сахналарга чиқмоқда. Шунинг учун ҳам бу борада унда жуда катта тажриба бор.

Июнь ойида Беҳзод Колорадо штатидаги Боулдер шаҳрида Бетховен куйлари асосида концерт берди. «Мен Бетховен куйларини яхши кўраман. Унинг сонаталарини янада чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилияман. Улар одамни ўйга толдиради» дейди у.

Биз бирга тушлик қилдик. Сўхбатимиз бошланди. У устози, асли тошкентлик, айти пайтда Канзас-Сити университетиде ишлаётган Станислав Юденич ҳақида шундай деди: Юденичдан кўп нарсаси ўргандим. Ундан доим маслаҳат сўрайман. У мени жуда яхши тушунади. Шунинг учун ҳам устозимга ҳаммадан кўпроқ ишонаман...

Оркестр жўрлигидаги репетиция жуда яхши ўтди. Беҳзод тажрибали мусиқчи сифатида ҳар бир ҳаракатга алоҳида эътибор қаратди.

2012 йилда Беҳзод Абдураимов Франциянинг бир қатор шаҳарларида ўз концерт дастурини тақдим этди. Бу йил эса Монпельедаги Радио Франс фестивалида қатнашиши айтилмоқда. Бундан ташқари, Тулуздаги фестивалда ҳам мухлислари уни интизорлик билан кутишмоқ-

да. Охирида эса Луврда, Франция пойтахти Парижда ўзининг илк яккахон концертини беради.

Театрнинг қуруқ акустикаси ва унчалик яхши бўлмаган мусиқий асбобларда Беҳзод Абдураимов Чайковский сонаталарини ижро этди. Мусиқачининг чап қўли ҳайратланарли даражада кучли. Унинг ижросидаги куйлар ҳаётини ва ранг-баранг оҳангга эга.

Беҳзод Абдураимовнинг илк концерт дастури 2013 йилда тақдим этилди. Сабадёл аҳолиси бундай катта миқёсдаги тадбирни ҳар доим кўравермайди. Ўзбекистонлик фортепьяно қироли уларнинг олдига қора костюмда чиқди. Столдаги альбомга дастхат қўйди.

Эртаси кун тунда у Барселонада отланди. Беҳзоднинг мақсади концертдан олдин тайёргарлик кўриш эди. Йўл-йўлакай у бизга онаси фортепьяно бўйича ўқитувчи эканлигини айтди. Шунингдек, унинг муваффақиятларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, марҳум Тамара Поповичнинг хизмати катта. Унинг отаси физика-математика фанлари доктори бўлган. Беҳзод 9 ёшлик пайтда отаси юрак хуружидан вафот этган экан. Ушунда у кислород босимида ишлайдиган машина устида илмий иш олиб бораётганди.

«2002 йилда Францияда машина учун патент олишди. Лекин айнан менинг отам бу ишни бошлаганди. У глобал кашфиёт бўлиши мумкин эди. Отам бу машинанинг дастлабки тажриба нусхасини ҳам яратганди. Соатига 20 км тезликда юрадиган ушбу машинада 6 ёшлик пайтда сайр қилганман» дейди Беҳзод.

Беҳзод 13 ёшлик пайтда Манхэттендаги Жульерд мактабига тажриба ошириш мақсадида келганди. Бу ерда у махсус стипендия билан тақдирланди. Беҳзод ҳақида эшитган Станислав Юденич уни Италиянинг Комо оролидаги ёзги академияга таклиф этди. «Мен пианино чалишни бошлаганимда ус-



2012 йилда Франциянинг бир қатор шаҳарларида чиқиш қилган Беҳзод Абдураимов жорий йилда Монпелье, Тулуза ва пойтахт Парижда яккахон концерт дастурини тақдим этади.

тозим менга «Мен сени кутганим» деди. Юденич менга ишонди, қўлаб-қувватлади. 2007 йилда Канзас-Ситидаги Парк университетида, айнан Юденич ишлайдиган жойга ўқишга кирдим» дейди Беҳзод Абдураимов.

Орада маълум вақт Беҳзоднинг қўли оғриди. «Нью-Йоркдаги концертимни бекор қилишимга тўғри келди. Врачлар маълум муддат пианинога яқинлашмаслигини маслаҳат беришди. Мен ўн етти кун давомида пианино чалмадим. Шундан кейин тушундикки таъсиб қолаётганимни сездим. Ўзимни қўлга олиб, оғриқ қолдирувчи дори қабул қилдим. Шундан сўнг Европадаги концертларимга отландим» дея ўша кунларни эслайди у.

Беҳзод Абдураимов ижро маҳоратининг ахрилиб туривчи жиҳати шундаки, у бошқалардан ўн баробар яхшироқ куй чалади. Ўзбекистонлик пианиночи сахнага чиқиб таъзим қилди. Унинг аудитория билан ишлаш қобилиятига тан бериш керак. Концертдан кейин Беҳзод видео-ёзувларини кўриб чиқди. Беҳзоднинг концертига рафиқаси ва фарзандлари билан келган бир одам 2010 йилда Абдураимовнинг Вигмордаги

концертига кирганини ва концерт унда катта таассурот қолдирганини айтди. У пианино қиролининг Лондонда яна яккахон концерт беришини кутаётганлигини билдирди.

Ҳамкасблари ҳақида гапирар экан, Беҳзод Альфред Кортонинг мухлиси эканлигини таъкидлади. «Унинг қуйлари жуда ҳам ажойиб. Артур Шнабелнинг Бетховен куйларини секин ҳаракатлар орқали ижро этгани ҳам менга маъқул келган».

Сўхбатимиз давомида Беҳзод севимли пианиночилари ижодини, ижро услубини таҳлил қилиб: «Бир хил чалиши мумкин бўлган иккита пианиночи бўлмайди. Бунинг имкони ҳам йўқ. Баъзи бир ўқитувчилар ўз талабаларидан катта санъаткорлардек, масалан, Станислав Юденич сингари пианино чалишини талаб қилади. Аслида эса биз уларнинг қуйларини ўзимизнинг овозимизни, ижро йўлимизни топиб олиш мақсадида ўрганамиз.

Liberation нашридан
Темур АЪЗАМ таржимаси.

Ёшлари-
мизнинг
ҒАЛАБАЛАРИ

Шу кунларда Доха (Қатар)да футбол бўйича ёшлар (U-19) ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати саралаш учрашувлари ўтказилмоқда.

Футбол

Унда мезбонлар билан биргаликда Ўзбекистон, Ҳиндистон, Непал, Туркменистон терма жамоалари ўзаро баҳс юритяпти.

Мусобақада Алексей Евстафеев бош мураббийлигида тўп сураётган ёшларимиз муваффақиятли иштирок этмоқда. Аввалги турларда Туркменистон (1:0) ҳамда Непал (5:0) вакиллари билан устун келган ҳамюртларимиз охириги учрашувда Ҳиндистонлик тенгқурлари билан куч сынашди.

Қизилқар ва мурасиз ўтган ушбу ўйинда вакилларимиз Аслиддин Абдиев (иккита) ва Бобур Давлатов киритган голлари эвазига ғалаба қозонди — 3:0.



Ҳозиргача яқунланган учинчи тур баҳсларидан сўнг Қатар ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари бир хил — 9 тадан очко жамғарган ҳолда гуруҳда пешқадам бўлиб турибди. Гуруҳ ғолиби бутун бўладиган Қатар — Ўзбекистон футболчилари ўйинидан сўнг маълум бўлади.

Эркин ХОЛБОБО

«Оммавий маданият»

таъсиридан ёшларимизни
асраш керак

Тошкент вилоят педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Оммавий маданият» — маънавият қушандиси» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари ҳамда Тошкент вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари қатнашди.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» аса-

рида юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «Оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши кераклигини таъкидлаган.

«Оммавий маданият» таъсиридан халқимизни, айнисига, ёшларимизни асраб қолиш, уларнинг онгини захарлашга йўл қўймаслик, ўзлгимизга ёт бўлган қарашларнинг кириб келишини олдини олиш каби долзарб масалалар бугун ўқитувчи

ва мураббийлар зиммасига улакан масъулият юклайди.

Анжуманда иштирок этган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари Мухаммад Куронов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Фарида Абдурахимова, Тошкент вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректори Нилуфар Юлдашеввалар бугунги ёшлар илғор фан-техника ютуқларини эгаллаб, чет тилларини мукаммал билиши, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаши, келгуси авлодларга бус-бутунча етказиши лозимлиги хусусида гапирди.

Ҳинд халқининг буюк фарзанди Махатма Гандига «Глобаллашув жараёнига қандай қарайсиз?» деган саволни беришганда, у: «Мен ташқаридаги бўрондан кўриб, деразамни ёпиб қўя олмайман, чунки менга тоза ҳаво керак. Шу билан бирга, тоза ҳаво керак экан, деб деразамни катта очиб ҳам қўя олмайман, чунки менинг уйимни чанг-тўзон босиб кетишини хоҳламайман» деб жавоб берган экан.

Зафардин ТУРДИЕВ,
Тошкент вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти катта ўқитувчиси.

Янги корхона

фойдаланишга топширилиши
билан 42 нафар киши, асосан,
касб-хунар коллежи
битирувчилари доимий иш
ўрнига эга бўлди

Бандлик

Жорий йилда Жаркўрғон туманида 4 минг 638 та янги иш ўрни яратилиб белгиланган. Обод турмуш йилининг ўтган саккизи ойда ҳудудда 3 минг 615 кишининг бандлиги таъминланди.

Тумандаги «Янгиобод» маҳалласида 3 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Яқинда бу ерда «Осиё тўқув престиж» масъулияти чекланган жамиятига қарашли корхона иш бошлади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.КАРАКАЛЬПАКСКИЙ ФИЛИАЛ ООО
«АГРОСАНОАТ МУЛК МАРКАЗИ» СООБЩАЕТ:

12 ноября 2013 года в 12.00 часов по адресу: город Нукус, ул. А.Темур, дом 122 проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу:

1. Автомашина марки «Газ-5312» 1990 года выпуска, гос. номер 23 AF 005 принадлежащий банкрот АО «ХАТП-15». Начальная цена 327 000 сум.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог не менее 10 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000204970488001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракальпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк. Информацию об объектах выставленных на торги можно получить по адресу:

г. Нукус, ул. А.Темур, дом 122. Телефон для справок: (8-361) 222-55-84.

Уд. №006388

ОҒОХЛИК — АЗЕР ТАЛАБИ

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyat — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandashlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046

10422

nuxsada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 20.55

Topshirilgan vaqt — 00.55

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Obididdin MAHMUDOV

Sahifalovchi-ta'stiruvchi:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 5